

БУЮК СИЁСАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Президент Шавкат Мирзиёев 2 сентябрь куни Ислон Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ҳайкали пойига гулчамбар қўйди, унинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Етук сиёсат ва жамоат арбоби Ислон Каримов 2016 йил 2 сентябрь куни вафот этган эди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг қарорига кўра бу сана ҳар йили Хотира куни сифатида нишонланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидламоқ жоизки, юртимиз мустақилликка эришиши ва тарқиққёт йўлида улкан му-

ваффақиятларни қўлга киритишида Биринчи Президентимизнинг беназир қатъияти, улкан азму шижоати ва беқиёс жасорати муҳим аҳамият касб этган эди.

Биринчи Президентимизнинг мамлакатимизни ҳозирги ривожланиш даражасига кўтариш йўлидаги улкан хизматларини халқимиз доимо

ёдда тутати ва унинг номини ҳамиша алоҳида ардоқ ва мамнуният билан тилга олади.

Шавкат Мирзиёев кўп бор таъкидлаганидек, Ислон Каримовнинг хотирасини қанчалик кўп эъозласак, халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавиятини шунчалик бойитган бўлариз.

Ушбу маросим ҳам Ислон Каримов хотирасига давлатимиз ва жамоатчилигимиз ҳурмат-эҳтиромининг яна бир ифодаси бўлмоқда.

Таомилга биноан Қуръон тило-

ват қилинди. Биринчи Президентимизнинг ҳаёт йўли ва серқирра фаолияти, орзу-истаклари, давлат ва жамият қурилиши борасидаги эзгу мақсадлари, мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш йўлидаги буюк хизматлари ёдга олинди.

Гул қўйиш маросимида парламент ва ҳукумат аъзолари, фан ва маданият намояндалари, зиёлилар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

ЎЗА

Ислон Каримов халқимиз хотирасида

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарорига кўра, ҳар йили 2 сентябрь Ислон Каримов хотираси куни сифатида кенг нишонланади. Шу куни мамлакатимизда Ислон Каримовнинг ёд этиш, ҳаёти ва фаолияти бўйича тарғибот тадбирларини ўтказиш анъанага айланган.

Бу йил ҳам ушбу сана муносабати билан бутун мамлакатимиз бўйлаб хотира тадбирлари ўтказилди. Ислон Каримов тугилиш ўлган ва айни пайтда мангу ором топган маскан – Самарқандда

эрта тонгдан хотира тадбирлари бошланди.

Вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари дастлаб Самарқанд шаҳридаги Ислон Каримов макбара-мажмуасини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилинди.

Ислон Каримовнинг давлатимиз мустақилликка эришиши ва тарқиққёт йўлидаги хизматлари ёдга олинди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Биринчи Президентимиз хотирасини абадийлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкент, Самарқанд ва Қарши шаҳарларида Ислон Каримов сиймоси акс этган ҳайкаллар ўрнатилди. Юртимиздаги бир қатор йирик объектлар, кўчаларга буюк давлат ва сиёсат арбоби номи берилди.

Вилоят жамоатчилиги вакил-

лари Ислон Каримов макбара-мажмуасидан чиққач, Регистон майдони яқинида ўрнатилган мустақиллигимиз асосчиси ҳайкали пойига гуллар қўйди.

– Ислон Каримов мустақил Ўзбекистон Республикаси асосчиси, оғир дамларда мамлакатда хавфсизликни таъминлаб, унинг тарқиққёт учун мустақам пойдевор қўйган шахс сифатида юртимиз тарихида алоҳида ўрин тутати, – дейди Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори М.Пардаев. – Бу улғу инсон халқимиз қалбидан чуқур жой олди. Шунинг учун юртодошларимиз ҳурмат, эҳтиром билан ёдга олаётди. Бугун Самарқанддаги Ислон Каримов макбара-мажмуаси ва ҳайкали ўрнатилган майдон ҳар қачонгидан-да гавжум бўлгани фикримиз тасдиқланди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими Э.Турдимов сўзга чиқди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА муҳбири

Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов ҳайкали олдида давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, фан, маданият, адабиёт, санъат намояндалари ва ёшлар жам бўлди.


Хотира абадий, қадр муқаддас

Вилоят ҳокими Зафар Рўзиев бошчилигидаги жамоатчилик вакиллари Ислон Каримов ҳайкали пойига гуллар қўйди, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирилди.

– Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, халқимизнинг атоқли фарзанди Ислон Каримов фаолиятида Қашқадарёга раҳбарлик қилган давр алоҳида ўрин тутати, – дейди вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Эсон Ражабов. – Вилоятни таназзулдан чиқариб, юқалиш сари бошлаган Ислон Абдуғаниевич Каримов бу заминга алоҳида фарзандлик меҳри билан қарар эди. Қашқадарё аҳолиси вилоят мустақиллик йилларида иқтисодий барқарор, sanoati ривожланган ҳудудга айланиб, аҳоли турмуш даражаси муттасил ўсиб бораётгани, бунёдкорлик, халқимиз фаровонлигини юқалтириш билан боғлиқ барча эзгу ишлар Ислон Каримов номи билан боғлиқ эканини чуқур ҳис қилади.

Мардлик, олижаноблик фазилатлари билан эл-юртга меҳр ва садоқат тимсоли бўлиб қолган Ислон Каримовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу яшайди.

Ўлмас БАРОТОВ,
ЎЗА муҳбири



Бухоро вилояти

Кенгаётган «темир» томирлар

Ислохот самаралари

Темир йўл транспорти иқтисодиётнинг асосий қон томири ҳисобланади. Мамлакатимиз темир йўл тизими истиқлол йилларида катта тарқиққёт йўлини босиб ўтди. Замонавий техника ва технологияларнинг кириб келиши, тармоқларнинг кенгайтирилгани, олис масофаларга янги йўналишлар тортилгани бунинг ёрқин исботидир.



Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳароқатлар стратегияси доирасида барча соҳа ва тармоқлар қатори темир йўл тизимида ҳам туб ислохотлар олиб борилмоқда.

Бу борада «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компанияси таркибидagi «Бухоро минтақавий темирйўл узели» унитар корхонаси жамоаси ҳам залворли ютуқларни қўлга киритмоқда.

3



Сурхондарё вилояти



Муваффақиятларнинг асосий ўзаги – ИШОНЧДИР

Олий Мажлис Сенати аъзоси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Сирдарё вилояти кенгаши раиси, «Бек кластер» масъулият чекланган жамияти раҳбари Улуғбек СОТИБОЛДИЕВ билан сўхбат



– Сир эмас, бир вақтлар Сирдарё барча соҳаларда қолоқ бир вилоят сифатида қаралар эди. Кўпчилик аграр ҳудуд сифатида билар, мамлакат иқтисодиётига қўшаётган улуши ҳам сезилмас эди. Бугун Сирдарё вилоятининг қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда. Буни оммавий ахборот воситаларидаги ижо-

бий чиқишларда ҳам кўриш мумкин. Иқтисодчиларнинг фикрича, вилоят мамлакат ривожига катта ҳисса қўйиши мумкин. Бу ривожланишнинг асосий омиллари нимада деб биласиз?

– Сингапурни «учинчи дунё» дан юқорига олиб чиққан буюк

бунёдкор Ли Куан Юнинг шундай фикрлари бор: агар муваффақиятга эришмоқчи бўлсак, фақат ўзимизга ишонишимиз керак.

Мен бугун Сирдарёнинг тарқиққёт йўлида ана шу ишончни кўрмоқдаман. Айниқса, тадбиркорларнинг ишончи бунда муҳимдир. Бугун фахр билан айта оламанки, ишбилармонлар учун ҳақиқий давр келди.

Бу ишончни тадбиркорларга давлатимиз раҳбари бермоқда ва уни юқалтирмоқда. Президентимизнинг ҳудудларга ташрифи давомида истиқбол учун муҳим бўлган имкониятлар эшиги очилади.

3



КУН НАФАСИ

2019 йилнинг 2 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Беларусь Республикаси Ҳукумати ўртасида божхона ишларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Битим кучга кирди.

mfa.uz

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 28 йиллик байрами муносабати билан Флорида штатининг Тампа шаҳрида жойлашган АҚШ Марказий қўмондонлигида расман фаолият олиб бораётган Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари томонидан тантанали тадбир ташкил этилди.

Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида 1-босқич курсантлари ҳарбий қасамёд қабул қилди.

uza.uz

Фавқуллода вазиятлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги институтида биринчи босқич курсантларининг «Ҳарбий қасамёд» қабул қилиш тантанали маросими ўтказилди.

ФВВ Ёнгин хавфсизлиги институти матбуот хизмати

Қозғоғистоннинг Актау шаҳрида Ўзбекистон бош консуллиги очилди.

kun.uz

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида янги Солиқ кодекси лойи-

ҳаси яна жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинди.

regulation.gov.uz

Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасаси курсанти, миллий армия ҳарбийси бўлиш насиб этган ўғлонлар тантанали равишда Ҳарбий қасамёд қабул қилишди.

Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти

Абдуғофур Аҳмедов Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитага раҳбар этиб тайинланди.

kun.uz

Туркия Республикаси Хажеттепе университетининг Технологиялар ривожлантириш зонаси (Хажеттепе технополиси) делегацияси Ўзбекистонга ташрифи доирасида Инновацион ривожланиш вазирлигининг вакиллари билан учрашув ўтказди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги матбуот хизмати

Бухоро вилояти Шофиркон тумани «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Шўрбод» сув олиш иншооти реконструкция қилиниб, ишга туширилди.

uza.uz

Наманган вилоятидаги «Косонсой-фарм» эркин иқтисодий зонасида биринчи лойиҳа – «Спринг фармацевтик» корхонаси ишга туширилди.

uza.uz



Сурхондарё вилояти

Озод юртнинг обод уйлари

Янги уйлар муборақ!

Энг улғу, энг азиз айём кунлари Сурхондарё вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида 65 та кам таъминланган оилага янги уйларнинг қалитлари топширилди.

Унда бирлашма раиси А.Аҳмедов юртимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларида қасаба уюшмаларининг тутган ўрни ҳақида гапирди.


Мақсуда Баҳодирова 27 йилдан бери 2 нафар фарзанди билан ижарада (уларнинг бири ногирон) яшаб келарди. Бўрижамол Нормалиева ҳам боқувчисини йўқотган. Ногирон фарзанди билан 20 йилдан буён ижарама-ижара юриб, қийин аҳволда қолган. Оғир шароитдаги бу икки оилага ўзлари яшаб турган «Янги шаҳар» ва «Дўстлик» маҳаллалари ҳудудидан қасаба уюшмалари маб-лағлари ҳисобига янги уй-жой қуриб берилди.

Шодлиққа, қувончга тўлган янги ҳовлилардаги уй тўйлари байрам шодиёналарига ула-ниб кетди.

Мухиддин Султонов 2005 йилда хизмат вазифасини ба-жариш вақтида бахтсиз ҳодиса туфайли автохалокатга учраб, икки оғирдан ажраб, тўшака михланиб қолган. Саломат-лигини тиклаш учун яшаб тур-ган уйини сотиб, довланганди. Шундай оғир аҳволда оиласи билан ижарада яшаб келарди. Боқувчиси йўқ Гулчехра Мир-заева ҳам 4 нафар фарзанди билан «Нефтичи» маҳалласида ижарада яшаб келарди. Бу икки оилага «Богора» маҳалласи ҳудудидан замонавий уй-жойлар қуриб берилди.

Шодлиққа, қувончга тўлган янги ҳовлилардаги уй тўйлари байрам шодиёналарига ула-ниб кетди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«ISHONCH»



Ҳар бир тур бўйича ғолиблар аниқланиб, касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Муваффақиятларнинг асосий ўзаги – ИШОНЧДИР



1 Корхонамизнинг кластер қўрилишига қилинган ҳаёт ва Президентимизнинг вилоятга таърифиди давомида билдирган фикрлари сабаб бўлган. Илҳомбахш ғоялардан руҳланиб, иш бошладик. Орадан бир йил ўтиб, бу борадаги ишлар қандай кетаётганини жойида қўриш мақсадида давлатимиз раҳбарининг яна вилоятга қилинган эса кучимизга куч, шижоатимизга шижоат қўшди. Иштиёқ жўшгани сайин янги марраларни ният қилиш, унга интилиш бошланар экан.

– Кластер устунининг аҳамиятига ҳам тўхталиб ўтсангиз. Бу тизим мамлакатимиз иқтисодийётида катта янгиликлар беришига қанчалик ишонасиз?

– Иқтисодиёт тармоқлари олдига бир қанча муаммолар мавжудки, буларни «ёлғиз» корхоналар еча олиши амалда иложсиз. Шу боис, кластер қўрилиши рақобатбардорлиқни оширишнинг энг самарали усули эканлиги эътироф этилаётди. Ҳозирда «Бек кластер» МЧЖ қўшма корхона таркибига 10 дан ортиқ корхоналар мавжудлиги фикримиз далилидир. Уларда 5000 нафардан ортиқ ишловчи ходимлар бор.

«Бек кластер» ҳудуди 30 минг гектарни қамраб олади. Кластер тизимининг муваффақиятини таъминлаш учун Туркия, Хитой ва Исроил тажрибаси чуқур ўрганилган. Ходимларимизга муносиб иш ва турмуш шароитларини яратиш бериш устувор вазифалар сирасига киради.

– Бугунги тадбиркор кечиги тадбиркордан нимаси билан фарқланади? Тадбиркор учун нималар тўсиқ эди ва бугунга келиб қонуний фаолият олиб бораман деган ишбилармон учун тўлиқ шароитлар яратилган, деб ҳисоблайсизми?

– Давлатимизда тадбиркорлар сони ортганининг ўзи бу соҳада имконият, имтиёзлар борлигини аниқлатади. Бизнес сабоқлари, туршунчалари кенг оммага бирдек берилмоқда. Турли қатлам учун имтиёзли кредит тизими, ҳаттоки, бизнес режага таъйир ҳолда тақдим этилаётди. Шу билан бирга, ераклик учун нани қаердан топиш, таъйир маҳсулотни четга экспорт қилишга амалий кўмак берилмоқда. Соддалаштирилган солиқ ислохотларининг биринчи босқичи кичик бизнес вакиллари учун ҳам, йирик корхоналар учун ҳам бирдек фойдали бўлди. Дадиллик, билимлик, тежорлик сифатларини бирлаштирган тадбиркорлар сафи Сирдарёда ҳам шаклланимоқда.

– Маррани янада каттароқ олиш учун нималарни режалаштирмоқдасиз?

– Бизнесда мақсадни банд қўйиш, узок йиллик режага эга бўлиш муҳим ҳисоб-

ланади. Бу борада давлатимиз раҳбарининг учрашувлар давомида «Маррани катта олинлар», деган сўзлари биз, тадбиркорларнинг ширимизга айланди. Бу ишонч ва эътибор кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди.

Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш борасида катта имкониятларга эга бўлса-да, республика экспорт рейтингига қўйи ўринларда. Бунинг асосий сабаби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиб тайёрлаш, қадоқлаш, қисқа қилиб айтганда, мева-сабзавот экспорт билан замон талаблари даражасида шуғулланувчи корхоналар камлигидир.

Келажакда бир қанча истиқболли лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирмоқдамиз. Жумладан, давлат-хусусий шериклиги асосидаги Ўсимлик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш технологиялари илмий-амалий маркази ташкил этиш бўйича Инновацион ривожлантириш вазирлигига 3 та грант лойиҳаси тақдим этилди. Марказга илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларини ўзида жамлаган лаборатория ускуналарини олиб келиб ўрнатилиш бўйича Греция ва Германия корхоналари билан шартномалар имзоланди. Мақсадимиз мазкур муассасани нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунёда тан олинган илмий марказга айлантиришдир.

«Ижтимоий иссиқхона» лойиҳаси Ховос туманининг чекка қишлоқлари аҳолиси учун ишлаб чиқилган. Қўш энергияси ҳисобига иситиладиган 10 сотихли иссиқхоналар қуриш назарда тутилган. Лойиҳа доирасида 1000 та иссиқхона қурилиб, 2000 та иш ўрни яратилади. Иссиқхоналарга асосан қўлундай экилиб, етиштирилган ҳосил экспорт қилинади. Бунинг учун эса Россиянинг йирик савдо тармоқлари билан дастлабки келишувларга эришилди. Айна кунларда 20 та иссиқхона пойдеворини қўйиш ва металл конструкцияларни ўрнатиш ишлари жадаллик билан олиб борилаётган.

Навбатдаги «Мева-сабзавот маҳсулотларини саралаш ва қадоқлаш» лойиҳаси Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкнинг 935 минг доллар ҳамда Ўзимизнинг 4 миллиард 500 миллион сўм миқдоридаги маблағларимиз ҳисобига амалга ошириляётди. Шу муносабат билан Италиядан қиймати 630 минг еврога тенг 4 та мева-сабзавотларни саралаш ва қадоқлаш линиялари, шунингдек, Хитойдан 200 тонналик маҳсулот ситими эга музлаткич олиб келиб, ўрнатдик. Бу ерда бир кунда 20 тоннагача мева-сабзавотни ювиш, саралаш ва экспорт қилиб қадоқлаш мумкин.

Келгусида юқори самара берувчи яна бир қатор лойиҳаларни амалга оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Чунки бугунги кун ҳар биримиздан шиддаткор даврга мос қадам ташлашни тақозо этмоқда.

– Улуғбек ака, қўряпмизки, маррани баланд олгансиз. Аммо унга эришиш масаласи ҳам бор. Шу маънода, истиқбол режасининг тўла амалга ошиши учун тўсиқларни ҳам ҳисобга олиш керак. Сизнингча, қайси жабҳада оқсаш бўлиши мумкин?

– Тўғри айтасиз. Бугун ишлаб чиқариш корхоналарида қўлланилаётган технологиялар кун сайин янгилашиб, такомиллашиб бормоқда. Бу эса уларни ишлатишни биладиган малакали кадрларни талаб этади. Ҳозирги кунда олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги ўқув дастурлари асосида сабоқ олган ёшлар корхоналарнинг кадрлар малакасига бўлган талабларини қондира олмаётми. Ушбу омил ҳисобга олинган ҳолда биз ўзига хос чораларни излаётимиз. Хусусан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда қўшма коллеж ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқяпмиз. Бу ўқув даргоҳида саннат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш корхоналари учун малакали мутахассислар тайёрланади. Лойиҳа доирасидаги ўқув дастурларида ишлаб чиқариш амалиёти учун ажратиладиган соатлар умумий юкларнинг 50 фоизигача бўлиши кўзда тутилмоқда. Амалиёт бевосита кластер корхоналарида ўталади. Назарий дарслар ўқитиладиган аудиторияларни ахборот коммуникация технологияларининг энг сўнгги воситалари билан жиҳозлаш, таълим жараёнини республикамиз ҳамда хориждан етакчи мутахассисларни жалб қилган ҳолда ташкиллаштириш режалаштирилган.

– «Бек кластер» корхонаси касаб уюшма аъзоларини қабул қилган. Бу ташаббус кимдан чиққан ва аъзолик афзалликлари ҳақида маълумот берсангиз.

– Айтишим мумкинки, корхона ҳали кластер мақомини олмасидан аввал, «Бек» корхоналар бирлашмаси давридаёқ касаб уюшма аъзолигини қабул қилган эди. Ходимлар ишга қабул қилинганда иш тартиби, ишга муносабат, унга қўланадиган ҳақ каби масалалар ўзаро меҳнат шартномаси билан тасдиқланади. Бу меъёрлар бирлашган ҳолда жамоа шартномасида акс этирилади. Бошланғич касаб уюшма ташкилотининг ходимлар учун ҳам, иш берувчи учун ҳам афзалликлари мавжуд. Энг асосийси, фаолиятнинг меҳнат қўнунчилигига асосланишини таъминлайди. Қолаверса, касаб уюшмаси томонидан ўтказиладиган турли маданий, спорт тадбирлари ходимлар саломатлигини тиклашга, ишчанлик қобилиятини оширишга хизмат қилади. Бу эса бизнесимиз давом этишини таъминлайди.

Мазмунли суҳбат учун ташаккур!
«Ishonch» муҳбири
Озода МАМАДАЛИЕВА
суҳбатлашди.

«1

Соҳа ривожига ходимларнинг билим ва малакаси муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда тармоқ жамоаларида 1243 нафари олий, 7584 нафари ўрта техник ва ўрта махсус маълумотли мутахассис меҳнат қилмоқда.

Ишлаб чиқаришда янгилаш меҳнат муносабатларини шакллантириш, фан ютуқлари ва илғор тажрибалар, техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиши билан бирга, юк ташиш ҳажмларининг кўпайиши, уларнинг ўз вақтида белгиланган манзилга етказилишини таъминлашда «Бухоро» вагон депоси, «Тинчлик» ва «Бухоро» локомотив

санитар биналар тўлиқ қуриб битказилди.

Айни пайтда 500 бош зотдор сигирга мўлжалланган ёзги ва қишки биналар, сут соғиш ҳамда уни қайта ишлаш цехларида қурилиш ишлари якунланиш арафасида. Улар энг замонавий жиҳозлар билан таъминланади. Мажмуа фойдаланишга топширилган, янги иш ўринлари сони 169 тага етади. Истеъмолчиларга етказиб бериладиган гўшт ва сут маҳсулотлари ҳажми кўпаяди.

Булари ҳали ҳаммаси эмас. Ўзел тасарруфидоги корхона, ташкилот, муассасаларда қурилиш ва мукаммал таъмирлаш ишлари доираси анчайин кенг. Жумладан, 150 ўринли темир йўл шифохонасида ҳам бунёдкорлик ишлари қизғин давом этирилмоқда.

Кенгаяётган «Темир» томирлар

деполари, «Самарқанд» алоқа ва ишорат масофаси корхонаси, шунингдек, «Қоровулбозор», «Тинчлик», «Бухоро-1» ва «Ғаллаорол» бекатлари жамоалари темирйўлчиларининг амалдаги сазй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ.

Бухоролик темирйўлчиларнинг яна бир хайрли иши Когон туманидаги «Янги ҳаёт» МФЙ ҳудудида давом этирилмоқда. Президентимиз 2018 йил февраль ойида Бухоро вилоятига таърифиди чоғида чорвачилик ва мева-сабзавотчиликни ривожлантириш борасида соҳа раҳбарларига аниқ топшириқлар берган эди. Унга асосан мазкур ҳудудда 1000 бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик мажмуаси ва озуқа етиштириш учун 300 гектар, мева-сабзавотчиликни ташкил этиш учун 55 гектар ер майдони ажратилди. Янгидан ташкил этилган «Бухоро минтақавий темирйўл узели»га қарашли «Янгибод кўп тармоқли наслчилик чорва комплекси»да молхоналар, цехлар, айвон, омборлар қад ростлади. Қисқа муддат ичида қурилиш объектида маъмурий ва



Ушбу бина фойдаланишга топширилган, бу ерда 300 та янги иш ўрни яратилади.

Когон шаҳрида жойлашган «Темирйўлчилар» истироҳат боғи ва саройи биносининг мукаммал таъмирланиши учун Жаҳон банки томонидан 5 миллион АҚШ доллари ажратилган. Бу ҳаракатлар яқин кунларда бошланади. Мазкур шаҳардаги «Локомотив» стадионини реконструкция қилиш 2019-2020 йилларга мўлжалланган. Жорий йилда бу ерда 2 миллиард сўмлик иш бажарилади.

– Биринчи навбатда муносиб иш шароитлари, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий мулоқот, меҳнатга яраша ҳақ тўлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда, – дейди «Бухоро минтақавий темирйўл узели» унитар корхонаси ҳудудий касаб уюшма кўмитаси раиси Муродилло Жумаев. – Жамоа шартномалари орқали ходимлар бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари ҳал этиляётди. Тасарруфимиздаги ташкилотлар ва муассасалар жамоа шартномалари орқали

11012 нафар ходим ва касаб уюшма аъзоларининг меҳнатга доир, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари қамраб олинган. Хусусан, корхоналарнинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишчи-ходимлар, ёшлар, аёллар, пенсионерлар, ногиронларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, соғломлаштириш, бандлик, иш ҳақи каби масалаларида қўшимча имтиёзлар бериб келинмоқда.

Дарҳақиқат, ишчи-ходимлар ва улар оила аъзоларининг ҳордиқ чиқариш ҳамда саломатлигини тиклаш масалалари ўзел раҳбарияти ва ҳудудий касаб уюшма кўмитасининг доимо диққат-эътиборида. Жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида санаторийларга 94 та йўлланма берилди. Апрель ойида «Темирйўлчилар» маданият саройи қошида инглиз тили бўйича тўғрак фаолият бошлади. Унда темирйўлчиларнинг фарзандлари бепул ўқитилмоқда.

Мамлакатимизнинг меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳар бир ишлаб чиқаришда шикастланишлар ва касб касалликларининг олдини олишга, соғлом ва бехатар меҳнат шароитларини яратишга алоҳида эътибор берилишини талаб этади. Жорий йилнинг дастлабки 6 ойи давомида жамиятнинг меҳнат ва иш шароитларини янада яхшилаш учун 94 миллион 674 минг сўмлик маблағ ажратилди.

Касаб уюшма ҳудудий кўмитасига аъзо корхона, ташкилот ва муассасаларда ноқулай меҳнат шароитида ишлайдиган 837 нафар ишчи-ходимга ўтган ярим йиллик мобайнида 128 миллион 328 минг сўмлик сут маҳсулотлари, «Бинокор» ва «Қоровулбозор» бекатида ишловчи ходимларга 131 миллион 673 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Ўзел корхоналари ишчи-ходимлари махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан ҳам тўлиқ таъминланган.

Соҳа ходимлари фарзандларини соғломлаштириш масаласи ҳам касаб уюшма кўмитасининг эътиборида. «Дўстлик» болалар соғломлаштириш оромгоҳида 860 миллион 295 минг сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. 1048 нафар бола соғломлаштирилди. Темирйўлчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш мақсадида умумий йўлланмаларнинг 10 фоизи бепул берилди. Бундан ташқари, ўзел ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини темирйўл спорт иншоотларида соғломлаштириш мақсадида стол тенниси, 2 та соғломлаштириш гуруҳи, оғир атлетика, катта теннис, футбол, бокс бўйича гуруҳлар ташкил қилинган бўлиб, ушбу спорт турларига юзлаб ходимлар қатнашмоқда. Темирйўлчилар ўртасида шахмат ва шашка, мини-футбол, волейбол стол тенниси, дартс, учкураш, армреслинг каби спорт мусобақалари мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Касаб уюшма аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 228 миллион 175 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ватан равнақига ҳисса қўйиш мақсадида бухоролик темирйўлчилар ана шундай эзгу сазй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Иззатулла ҲОЖИЕВ

«Бухоро минтақавий темирйўл узели» унитар корхонаси маъмурияти ва ҳудудий касаб уюшма кўмитаси

Барча юртдошларимизни, соҳа ходимларини Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 28 йиллик айёми билан самимий қутлайди. Хонадонингизга қут-барака, тинчлик ва хотиржамлик тилайди!



Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Мустақиллик иншоотлари

Ватан манзумаси

Баҳодир
БАҲРОМ

МЕҲР ТАФТИ

Саҳар туриб қаймоғига нонни тўғрай,
Белқарсида нонни кўрай, майиз кўрай.
Чарчамасин элга тинчлик сўрай-сўрай,
Кетмон кучган деҳқонинг ҳам Хизрча бор.

Бу бир тупроқ, янтоғидан боллар томар,
Тўрт фасл ҳам осмонидан қуёш томар.
Томга чиқиб мўралайди чучмомалар,
Шабнамларнинг қулочи минг адирча бор.

Дур тўқилар жайронларнинг тугғидан,
Шуъла ёғар чинорларнинг япроғидан.
Оймомолар сув ичади булоғидан,
Қўйлайверар, ҳар бир жилға шоирча бор.

Барча миллат бахтини тенг қўйлашган халқ,
Она замин ташвишини ўйлашган халқ.
Меҳмон келса сўнги нонин улашган халқ,
Меҳринг тафти отам қурган тандирча бор.

Сурхондарё
вилоятиБолажонларга
тухфа

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз муносабати билан Термиз туманидаги 35-мактабнинг 540-ўринли янги биноси фойдаланишга топширилди.

Янги бинони бунёд этиш учун 6 миллиард 185 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Ўқув ва лаборатория хоналари, компьютер синфи давлат таълим стандартлари асосида тегишли жиҳозлар билан таъминланиб, зарур шароитлар яратилди. Бундан ташқари, замонавий спорт зали ҳам бунёд этилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда мактаб таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, бу борада олдимизда турган долзарб вазифалар ҳақида сўз

юритилди. Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш устувор аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, айём кунлари Термиз туманидаги 23-умумтаълим мактаби филиали ҳам фойдаланишга топширилди. 315-ўринга мўлжалланган 36-умумтаълим мактаби қурилиши учун эса 4 миллиард 182 миллион сўм маблағ ажратилиб, барча шароитларга эга ўқув ҳамда лаборатория хоналари, спорт зали барпо этилди. Синфхоналар энг сўнгги ўқув қуроллари билан жиҳозланди.

Тўйга
муносиб тўёна

Сурхондарё вилояти Бандлик бош бошқармаси ҳамда Термиз шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази учун кўркам ва замонавий бино фойдаланишга топширилди. 160 минг нафарга яқин кишига хизмат кўрсатувчи мазкур бино қурилишига 5 миллиард 800 миллион сўм маблағ сарфланди. Бинода аҳоли учун ҳам, соҳа ходимлари учун ҳам зарур шароитлар яратилган бўлиб, хизмат хоналари замонавий мебель жиҳозлари ҳамда компьютер техникалари билан таъминланган.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар ҳудудлардаги Бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан янги иш ўринлари ташкил этиш, музрожат қилган ҳар бир фуқаронинг касб-кори, лаёқатига мос иш билан машғул бўлишлари учун етарли шароит яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилишини айтиб ўтишди.

Тадбирда Сурхондарё вилоят Бандлик бош бошқарма-



сига «Malibu» автомашинаси совға сифатида тантанали равишда топширилди. Соҳа ходимларининг бир гуруҳи ташаккурномалар билан тақдирланди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«ISHONCH»

«XORAZM PALAS»
МЕҲМОНХОНАСИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллиги билан самимий табриклайди ва қадимий ва ҳамиша навқирон

Хоразмга саёҳатга чорлайди!

Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг ҳамда юртимиз тарихи, бугуни ва келажаги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлинг!

Жонажон Ватанимиз тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Унинг янада юксалиши учун бир тан-у бир жон бўлиб хизмат қилайлик!

«Дўстлик» ордени
Навоий кон-металлургия
комбинати маъмурияти ва
касаба уюшма қўмитаси

Азиз юртдошларимиз, хусусан, соҳа ходимларини энг улуғ, энг азиз байрам – мустақиллик айёми билан чин юракдан муборакбод этади!

Барча юртдошларимизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, узоқ умр, Ватан равнақи йўлидаги ишларига юксак муваффақиятлар тилаймиз. Тинч, осуда ва фаровон турмушимизга ҳеч қачон кўз тегмасин!



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК
БЎЛСИН, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!



МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Таҳририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka Bank» Ашновод филиали,
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-34
Наманган – (+998-99) 889-90-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Тошкент – (+998-99) 889-90-25
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

С. Абдурахмонов

Мусаҳҳих:

С. Шодиева

Саҳифаловчи:

Ҳ. Абдужалилов
ЎЗА яқуни – 22:40
Топширилди – 02:50

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ,
Буюртма Г – 917.
28020 нускада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5